МАШИНА ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР

Баҳор эшик қоқмоқда. Машинасозлар экиш мавсумига пўлат отларини шайламоқдалар. Уларга «Союзхлопкомаш» бирлашмасининг Тошкент машинасозлик заводи ишчилари яқиндан кўмаклашмоқда. Заводдан ҳар куни мамлакатимиз ва жаҳоннинг барча пахтакорларига машиналар, шунингдек, энг зарур эҳтиёт қисмлар жўнатилмоқда.

Йиллик план топшириқларини шаҳарда биринчилар қаторида бажаришга аҳд қилган завод коллективи

Кеча

БУХОРО ОБЛАСТИГА ТУРЛИ ХИЛ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАЛАРИ УЧУН УН МИНГ СЎМЛИКДАН ОРТИҚ ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ЖЎНАТДИ. ШУ КУНИ БОЛГАР ДЎСТЛАРИМИЗГА ҲАМ 3250 СЎМЛИКДАН ЗИЁД ҚИСМЛАР ЮБОРИЛДИ.

Завод аҳли юбилей йилининг биринчи кварталида қардош Қорақалпоғистон Автоном республикаси деҳқонларига 20 минг сўмликдан ортиқ эҳтиёт қисмлар юборишга қарор қилинган.

Бугун

АВТОНОМ РЕСПУБЛИКА ПАХТАКОРЛАРИГА БИР ПАРТИЯ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАЛАРИ ҲАМДА 18 МИНГ 800 СЎМЛИК ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ЖЎНАТДИЛАР. АННИ ПАЙТДА, ЗАВОДДА АФҒОНИСТОН БУЮРТМАСИ ЖАДАЛЛИК БИЛАН ТАЙЁРЛАНЯПТИ.



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 43 (2337). 20 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА 1974 й.

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади. Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЗАРБДОР МЕҲНАТ МУКОФОТ БИЛАН ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг мажлислар залн. 19 февраль. Ўзбекистон ССРга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроқларини топширилиши муносабати билан бу ерда ўтказилган республика активи йиғилишига республика саноати ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг илғорлари ва новаторлари, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналарининг, колхозлар ва совхозларининг, илмий тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотларининг раҳбарлари, партия, совет, касаба союз, комсомол ходимлари тўпланишди.

Республика саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари 1973 йилги халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида галаба қозонганликлари учун; Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги механизаторлари 1973 йилда пахта, дон ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни қўпайтириш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида галабага эришганликлари учун шу мукофотларга сазовор бўлдилар. Ўзбекистон заводлари ва фабрикаларининг коллективлари саноат ишлаб чиқаришининг уч йиллик планини муддатидан бир ярим ой олдин тугалладилар, йиллик планни эса 24 декабрда бажардилар, программадан ташқари қарийб 280 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 1972 йилдагига нисбатан планда кўзда тутилган 5,7 процент ўрнига 7,2 процент кўпайди. Қишлоқ хўжалик механизаторлари давлатга дон, шоли, сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева, узум, каноп, пилла, гўшт, сут, тухум, жун сотиш планларини ва социалистик мажбуриятларини анча ошириб бажардилар.

Пахтакорлар гектар бошига 29,2 центнердан мисли кўрилмаган ҳосил етиштириб, жуда катта муваффақиятга эришдилар. Улар 4 миллион 908 минг тонна ёки халқ хўжалик планидагига нисбатан 463 минг тонна кўп пахта етиштирдилар ва давлатга сотдилар. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма соҳаларини комплекс механизациялаштириш йўлида олға томон янги қадам қўйилди.

Йиғилишни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси мажлис аҳлининг қарсаклари остида фахрий президиумга сайланади.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Э. Димшиц Ватаннинг юксак мукофотларини—Қизил байроқларни республикага топширди.

У КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати номидан ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев номидан республиканинг барча меҳнаткашларини меҳнатда эришилган муваффақиятлар билан қизғин муборақбод қилиб, уларга бахт-саодат ҳамда коммунизм тантанаси учун курашда янги зафарлар тилади.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Йиғилишда Чирчиқдаги «Ўзбекхиммаш» заводининг директори А. В. Караваев, Сирдарё области Ильич районидаги Г. Титов номли совхоз механизатори Қ. Абдуразоқов, Жиззах область Мирзачўл районидаги 22-совхоз директори И. Охунова, Тошкентдаги 4-автобус паркининг шофери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Каримжонов, «Главташкентстрой»га қарашли 44-қурилиш бошқармасининг бўёқчиси В. А. Емцова, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экспериментал биология илмий-тадқиқот институтининг директори А. А. Абдуллаев ўзаро чиқиб, Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини яшнатиш тўғрисида қилинаётган ғамхўрлик учун, Совет Ўзбекистони қаҳрамон ишчилар синфининг, шонли колхозчи деҳқонларининг, зиёлиларининг, барча меҳнаткашларининг жонбозлик билан қилган меҳнатига берилган юксак баҳо учун партияга, Совет ҳукуматига чин кўнгилдан ташаккур айтдилар.

Йиғилишда сўзга чиққанлар халқ хўжалик планларини муддатидан аввал бажариш учун, КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун авж олиб кетган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси жуда яхши самаралар берганлигини мамнуният билан айтиб ўтдилар. Шу билан бирга улар республикага берилган бу мукофотлар катта сафарбар этувчи роль ўйнаётганлигини таъкидладилар. Бу мукофот тағин ҳам самаралироқ, фидокорлик билан, жонбозлик билан меҳнат қилиш мажбуриятини юклайди. Беш йилликнинг тўртинчи, белгиловчи йилида саноатда ҳам, қурилишда, транспортда, алоқада ҳам, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ҳам янги марраларни қўлга киритишимиз керак. Буннинг учун эса диққат ва эътиборимизни меҳнат унумдорлигини оширишга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришга қаратишимиз лозим. 1974 йил республика учун алоҳида йил бўлади. Бу йил Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг эллик йиллиги нишонланади. Шу сабабли юбилей йилини меҳнатда янги шонли галабалар билан, коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида янги муваффақиятлар билан нишонламоқ учун ҳамма чораларни кўриш зарур.

Йиғилиш аҳли баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитети номига табрикнома йўллади. Бу табрикнома текстини Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев ўқиб берди.

Йиғилишда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, В. Г. Ломоносов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, А. А. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаева, Г. А. Габриельянц, С. К. Зиёдуллаев, Н. В. Марцинюк, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

● *Истеъмол буюмларига кенг йўл*

100.000 дўппи

Шаҳримиздаги бадиий буюмлар фабрикаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар орасида миллий бош кийимларига бўлган талаб тобора ошиб бораяпти. Фабрика коллективи бош кийимлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш борасида қатор ижобий тадбирларни амалга оширмоқда.

Дўппи цехининг коллективи 5 номда эркакларининг ва 4 номда хотин-қизларнинг миллий бош кийимларини ишлаб чиқаради. Шу дўппиларнинг 3 турига Давлат «Сифат белгиси» берилган.

Юбилей йили меҳнат вахтасида туриб ишлаётган цех коллективи аҳолининг миллий бош кийимларига бўлган талабини ҳисобга олиб, бу йил 720 мингдан знёд дўппи ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Цехда бичиш ишларини механизациялаш асосида ишлаб чиқариш жараёни бир неча марта тезлашди. Бу йил цехда эркакларнинг чуст, маргилон ва аёлларининг ироқи, юзик дўппилари кўплаб тайёрланади. Ўзларининг меҳнат анъаналарига содиқ цех коллективи вақтдан ўзган ҳолда меҳнат қилиб

Бугун

шаҳримиз савдо тармоқларига ўзларининг 100 мингинчи дўппиларини чиқаришди. Бу эса кўзда тутилгандан анча кўпдир. Коллектив аъзолари бу муваффақиятларга иш соатларидан унумли фойдаланиш ва ички меҳнат резервларини ишга солиш асосида эришди. Цехда М. Холмуҳаммедова, А. Сулаймонов, М. Худойбергановa ва Т .Воҳитова каби ишчилар вақтдан ўзган ҳолда меҳнат қилиб, ҳозир 1975 йил ҳисобига маҳсулот бершяпти.

Дўппи цехининг коллективи Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг олтин тўйиғача пландан ташқари 20 минг дона миллий бош кийимлари ишлаб чиқариш ниятида бир ғайратларига-ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилишяпти.

46.000 сўм фойда

Сунъий ва натурал чармлар ишлаб чиқариш «Ўзбекистон» бирлашмасида тайёрланган маҳсулотлар корхоналарга келтирилгач, қайта ишлов берилар эди. Изланувчан рационализаторларнинг ҳиммати туфайли бунга чек қўйилди. Бирлашмада таг чармлар ишлаб чиқариш технологиясига ўзгартириш киритилди. Энди корхоналарга жўнатиладиган маҳсулотларга қайта ишлов берилмайди, барча ишлар бирлашманинг ўзида бажарилади.

Бирлашма юбилей йилида пойтахтимиздаги 1, 2 ва Қўқон, Фарғона пойафзал фабрикаларига 1 миллион 200 минг жуфт ана шундай таг чарм тайёрлаб беришга аҳд қилган. Бу фабрикаларда 10—15 ишчи кун билан йилига 46000 сўм маблағни тежаш имконини беради.

Тонгги газеталарда

◆ СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний сенат раиси Жаъфар Шариф Имомий бошчилигида расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Эрон парламенти делегациясини 19 февралда қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида СССР билан Эрон ўртасидаги дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш масалалари, шунингдек баъзи бир актуал халқаро проблемалар тилга олинди.

◆ СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 19 февралда Кремлда Чехословакия Социалистик Республикасининг СССРдаги элчиси Я. Гавелкани қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин шу куниёқ Румыния Социалистик Республикасининг СССРдаги элчиси Г. Бадрусни қабул қилди. Икки ўртада бўлган суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

◆ СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 19 февралда Кремлда Венгрия Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрлигининг давлат секретари Я. Марьяинни қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

Қишлоқ— шаҳарга

ХУШБЎЙ ГУЛЛАР

Оржоникидзе район идаги Ленин номли колхоз сабзавотчилари шаҳар аҳолисига қиш фаслида ҳам хушбўй ёз ойларидагидек сабзавот маҳсулотлари, цитрус мевалари етказиб бермоқдалар. Улар шу кунгача шаҳарликларга 45 минг дона лимон, 12 тонна помидор тортиқ қилдилар.

Теплица комбинатида қишки бодринг ҳосили пишиб етилди. Уч секциядаги ҳосил узилиб, шаҳарликлар дастурхонига жўнатила бошланди. Мақсад шаҳарликларга 10 тонна бодринг, яна 18 тонна помидор, 5 минг дона лимон ва кўплаб резавор маҳсулотлар етказиб беришдир.

Теплица комбинатининг Ҳ. Самандаров, А. Мамараҳмонов, А. Наҳмиддинов бошлиқ звено аъзолари ҳозирда кунига 500 килограммдан орттириб помидор, бодринг, резавор маҳсулотлари жўнатмоқдалар.

Теплица секцияларидаги лимон ораларида ўстирилган хушбўй ҳидли гуллардан ҳам кўплаб букетлар тайёрланиб, гул магазинларига етказиб берилмоқда.

Бугун

РАЙОН ГУЛЧИЛАРИ ЖЎНАТГАН 2 МИНГ ТУВАКДАГИ ГУЛ ХАМШАҲАРЛА Р И-МИЗ ХОНАДОНИГА ФАЙЗ КИРИТДИ.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИНИНГ «ЧИЛОНЗОР» СТАНЦИЯСИНИ СОБИР РАҲИМОВ НОМИДАГИ СТАНЦИЯ БИЛАН БОҒЛОВЧИ БИРИНЧИ ТОННЕЛЬ ҚАЗИБ БЎЛИНДИ.

Агар бугун шу ҳодиса рўй бермаганида ҳам Тошкент метрочиларн бу кунни барибир нишонлаган бўлардилар. Ҳудди шу куни бундан икки йил илгари 20 февралда «Чилонзор» станцияси котлованида қазиш ишлари бошланган эди.

Бугун эса улар янги ғалабани байрам қилдилар. Бу биринчи ғалаба эди. Шундай қилиб, 42 минг кубометр тупроқ қазланди. 1800 метрли тоннель «Чилонзор» станциясини Собир Раҳимов станцияси билан боғлади.

Автомат тўқмоқ яна бир кун ишласа бас. Шундай қилиб, икки томондан келган тоннеллар бир-бири билан учрашади. Шунда қурувчилар тоннелнинг нарғи бошида чарақлаб турган куёшни кўргандек бўладилар.

Участка маркшейдерлари Арнольд Канер билан унинг ёрдамчиси Евгений Безверхов проходкачиларга аниқ йўл кўрсатиб беришди.

Мана, бригадир Владимир Кожемякин автомат болғани тупроққа босаркан катта тупроқ уюми ўпирилиб тушади. Шундай қилиб, иккала томондан қазиб келинган лаҳмлар учрашади.

Собир Раҳимов станцияси томон лаҳим қазиб келган экскаваторчи Владимир Кушаков ва Вячеслав Причин уларни қучоқ очиб қаршн оладилар. Улар 13 минг кубометр тупроқ қазишган эди. Кушаков авваи Оққўрғон балиқ комбинатида ишлаган, Причин эса Тошкентда уйлар қурган эди.

Энди лаҳимлар бир-бири билан туқнашган жойга иккита сўнгги халқаларни ўрнатиш керак. Халқаларни Стефан Воронин бригадаси монтаж қилди. Бу бригада аъзолари шу пайтгача лаҳимга 540 та халқа ўрнатишган эди. Бу уларнинг Тошкентдаги иши аслида эса Воронов ўз отряди билан ер остида қариб 11 километрлик «масофа»ни ўтишган. Улар булутли Сибирь ўлкасида, Кузбасс кўмир конларида ишлаганлар, Ангрен дарёсининг остидан лаҳим қазишганлар. Ўзбекистон пойтахти бу йигитларнн меҳр билан кутиб олди. Аммо метро қурши нимаки иш. Стефан ер ости нимаки-ликларининг ҳаммасига кўникқан. Шунинг учун ҳам

Бугун

ҚОҚ ПЕШИНДА ШАҲРИМИЗНИНГ МИНГЛАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИ УЛАРНИНГ ҲАЛОЛ, САМАРАЛИ МЕҲНАТИНИ НИШОНЛАДИЛАР.

Юк машиналари бугун байрам либосини кийгандек, уларга қизил алвонлар ёпиштирилган.

2-тоннель отрядининг бошлиғи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи Павель Васильевич Канишчев ўз ҳамкасбларини ғалаба билан қутлади. У бундай ғалабаларга эришиш қанчалик машаққатлар эвазига рўёбга келишини яхши билади.

Сўзга чиққанларнинг барчаси қурилишнинг ўзига хос қийинчиликларини енгиб ўтган метрочиларни улуғлайдилар. Бу ерда лаҳим қазиш бўйича Бутуниттифоқ рекорди кўйилди. Бир ойда 152,5 метр лаҳим қазилди. Иван Лисовойнинг бригадаси эса бир сменада 3,07 метр кўрсаткичга эришди.

Канишчев аниқловчи 1974 йилда мўлжалланган янада каттароқ марраларни эслатиб ўтди. Метронинг барча тўққиз станциясида ҳали кўп ишлар қилинади. Шундай экан Иван Лиссинн ҳам Стефан Воронинни ҳам, Владимир Кожемякинни ҳам янги вазифалар кутаяпти. Владимир Кожемякин ҳар қандай машаққатни енгишга сабабчи бўлаётган улуғ куч ҳақида — дўстлик ҳақида гапиради. Проходкачилар бир-бирларининг қалбини ҳам, дардини ҳам яхши тушунадилар.

Кожемякин ўзи ҳақида гапирмайди, лекин метрочилар бу ғалабада унинг — тоннель отрядн партия бюросининг аъзоси, Тошкент шаҳар партия комитетининг аъзоси бўлмш бу йигитнинг нақадар катта ҳиссаси борлигини биладилар. Тоннель отрядида шундай жонкуяр коммунистлардан деярли 190 нафар кишн бор. Уларнинг баъзилари митингга район партия комитетидан янги партия билетларн билан етиб келишди.

«Метрострой» партия бюросининг секретари Виктор Андреевич Гомзяков 2-участка бошлиғи Владимир Кузьмич Садовниковга сўз беради. Метро қурилишига улкан ҳисса қўшган коммунистларнинг номи яна тилга олинади. 2-участка ҳам яқинда ўз ғалабасини нишонлади. Февраль ойининг бошида бу ерда 1200 метрли тоннелнинг сўнгги халқаси ўрнатилди. Энди «СССР 50 йиллиги» станциясидан бошланадиган янги участка трассасига йўл олинади.

12 километр келадиган метро қурилишнинг ниҳоясига етказганларида алвонлар билан безатилган мана шу юк машиналарн қаерда бўлишини билмайман. Лекин ҳамма қаторн Тошкент метросининг биринчи электропоездига ўтиришим орзу қиламан. Ушанда «Чилонзор» станциясидан Собир Раҳимов станциясигача бўлган масофа бор йўғи тўрт минутда босиб ўтилар экан. Ана шу «тўрт минутлик» масофани қазиш учун роса икки йил кетди.

Л. САВЕЛЬЕВ,
СУРАТДА: Стефан Воронин бригадаси ва ҳам қазиб чиқаяпти.
Ю. Бутусов фотоси.

Дўстлик кўргазмаси

Бугун

СССР—Венгрия ўртасида ўзаро, иқтисодий ёрдам шартномаси тузилганлигининг 26 йиллиги муносабати билан махсус фотокўргазма очилди. Унинг экспонатларини Венгрия— СССР дўстлик жамияти Тошкентга совға қилиб юборган. Фотолавҳалар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг қардош Венгрия Халқ Республикасига қилган дўстлик визитининг аҳамияти ҳақида ҳикоя қилади. Уларда ўртоқ Л. И. Брежневнинг Венгрия партия ва ҳукумати раҳбарлари, турли корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари билан бўлган учрашувлари ёркин акс эттирилган.

Медицина ходимлари активи

Кеча

ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИ АКТИВИ БЎЛИБ ЎТДИ. Унда шаҳар Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Ҳ. Ш. Маҳмудов «Соғлиқни сақлаш бўлими органлари ва ташкилотларининг 1973 йилдаги фаолияти якунлари ва 1974 йилдаги вазифалари» ҳақида доклад қилди. Нотиқ совет кишиларининг саломатлигини яхшилаш борасида партия ва ҳукуматимизнинг чексиз ғамхўрлиги, шифокорларнинг совет кишиларига кўрсатаётган меҳрибонлиги ҳақида гапириб ўтди.

Шаҳардаги кўпгина медицина муассасалари ўз ишларини намунали ташкил қилиб, аҳоли ўртматига сазовор бўлмоқдалар. Тўқимачилик комбинати, Чкалов номли авиация заводи медицина-санитария қисмлари, 15-касалхона, 1-стоматология поликлиникаси, 29-поликлиника, 6-тугруқхона, 14-болалар поликлиникаси ва бошқа бир қатор ташкилотларнинг номларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Соғлиқни сақлаш масаласи шаҳар партия ва совет ташкилотларининг доимий диққат марказида турибди. Ҳар йили соғлиқни сақлаш ишларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзида шаҳар руҳий-неврология диспансерининг янги биноси, Кўйлиқ массивида 26-поликлиника қурилиб фойдаланишга топширилди. Юнусобод массивида 300 ўринли кўп профилли болалар касалхонасининг қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Фрунзе районидаги Заводская кўчасида, Октябрь районидаги Шахмат кўчасида ҳар куни 750 беморни қабул қиладиган поликлиникалар қурилиб ишга туширилди.

Кейинги беш йил мобайнида Тошкент шаҳрида 22 поликлиника бинокн қурилди, 16 та поликлиника эса янги уй-жой биноларининг биринчи қаватларига жойлаштирилди, медицина санитарня қисмларида 3 та поликлиника бўлимлари очилди.

1973 йилда поликлиникалар хизмати йўли билан 22 миллион кишига хизмат кўрсатилди. Ҳозирги пайтда 24, 29, 31, 33, 17 ва бошқа поликлиникаларда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш усуллари жорий этилмоқда.

Йиғилишда шифохоналарнинг бош врачлари, мутахассис ва олимлар сўзга чиқдилар.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

◆ ВАРШАВА. «Полена» рўзғор химияси саноат бирлашмасининг корхоналари ишлаб чиқараётган кенг истеъмол товарларига Польшадагина эмас, унинг ташқарисида ҳам талаб қатта. Бу савдо марказн Совет Иттифоқининг харидорларига ҳам яхши таниш.

Мамлакатда рўзғор химияси буюмлари ишлаб чиқариш 1974 йилда қарийб 24 процент ортади.

◆ ПАРИЖ. Энергетика танқислиги Франция автомобиль саноатига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Енгилгининг қимматлашганлиги натижасида Францияда ишлаб чиқарилаётган автомобилларга мамлакат ичкарисида бўлгани сингари, чет элларда ҳам талаб анча камайди.

«Рено» заводларининг Сандувилдаги дирекцияси корхонани март ойида бир кун ва апрель ойида икки кун ёпиб қўйиш ҳақида қарор чиқарди.

◆ ҚОҲИРА. Миср билан Гвинея Республикаси икки мамлакат ўртасида савдо-сотиқ ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида битим имзоладилар. Биринчи битимга мувофиқ, 1974 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар оборотн ҳажмини 3 миллион долларгача кўпайтириш кўзда тутилади. Иккинчи битимга мувофиқ эса Миср Араб Республикасининг Гвинеяда ёғоч-созлик саноати корхоналарн қурилишида ва ишга туширишда техникавий иштироки кўзда тутилади.

◆ НАЙРОБИ. Кения ҳукумати бир қанча йирик корхоналар қуриш йўли билан миллий экономиканинг саноат секторини кенгайтиришда иқтисодий ва техникавий ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Молия ва иқтисодий планлаштириш министрлиги вазирининг бу ерда айтган сўзларига кўра, мамлакатда автомобиль йиғув заводи, янги қанд комбинати ва бошқа корхоналар қурилади. Бу корхоналар ҳукуматга саноат буюмлари ва озиқ-овқатни четдан олиб келишга сарфланадиган ҳаражатларни қисқартириш, Кения экспортининг структурасини кенгайтириш ва ўзгартириш учун шарт-шароит яратиш имконини беради.

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Мажбуриятлар изидан

Октябрь райони *Чилонзор райони*

САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ КЕРАК

№ №	Кўрсаткичлар	Октябрь райони: Январь 1974 йил	Октябрь райони: Январь 1973 йил	Чилонзор райони: Январь 1974 йил	Чилонзор райони: Январь 1973 йил
1.	Маҳсулот реализацияси (процентларда)	101,9	100,1	101,1	91,6
2.	Пландан ташқари реализация (минг сўм ҳисобида)	203	5	71	—450
3.	Реализация ҳажмининг ўсиши (процентларда)	107,9	110,3	121,5	109,8
4.	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (процентларда)	109,4	110,4	123,2	113,0
5.	Меҳнат унумдорлиги (процентларда)	103,0	102,0	98,2	94,5
6.	Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати (процентларда)	105,8	112,0	103,1	114,8
7.	Меҳнат унумдорлиги ҳисобига ишлаб чиқаришнинг ўсиши (процентларда).	63,8	100	15,5	100
8.	Таннархни арзонлаштиришдан келган фойда (минг сўм ҳисобида)	143	437	427	437
9.	Планни бажара олмаган корхоналар (корхоналар сони)	1	3	—	3
	а) маҳсулот реализацияси бўйича берилмаган (минг сўм ҳисобида)	5	219	—	520
	б) меҳнат унумдорлиги бўйича (корхоналар сони)	4	8	5	3
	в) таннарх бўйича (корхоналар сони)	3	4	1	1
	г) камомотга йўл қўйишди (минг сўм ҳисобида)	782	148	21	3
10.	Арзонлаштиришга эришган корхоналар:				
	а) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича (корхоналар сони)	3	8	1	—
	б) меҳнат унумдорлиги бўйича (корхоналар сони)	4	9	1	1
11.	Маданий-маиший маҳсулот ишлаб чиқариш (планга нисбатан процент ҳисобида).	99,9	93,3	102,7	101,6
12.	Маданий-маиший маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши (1972 йил билан 1973 йилни солиштирганда) (процент ҳисобида).	112,9	99,5	140,0	130,9
13.	Капитал қурилиш (марказлашган молиявий манбалар) 1973 йилнинг 12 ойи кўрсаткичлари)				
	а) планга нисбатан (процентларда)	79	92	72	84
	б) турар жой майдони ишга туширилди (минг квадрат метр ҳисобида)	56,0	34,7	18,9	31,8
14.	А. Девятова ва Л. Казанцева ташаббуси бўйича мусобақалашаётганлар сони	3.320		1 мингдан ошиқ	
15.	1975 йил ҳисобига меҳнат қилаётганлар сони	401		172	
16.	Шахсий беш йилликни планини бажарганлар сони.	45		53	

ЯҚИНДА ишлаб чиқариш илғорларининг слётида мусобақадош Октябрь ва Чилонзор районн меҳнаткашлари тантанали равишда социалистик мусобақа шартномаларини имзолашди. Саноат, транспорт, қўрилиш ва алоқа ходимлари 1974 йилда 7 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишга аҳд қилишди.

Шартнома кучга кирди.

Бу икки район саноати январь ойининг ўзидагина 274 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. Чилонзор районида маҳсулотни реализация қилиш ҳажми 20 процент ўсди. Октябрь районида эса меҳнат унумдорлиги ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учдан бир маротабага етди.

Маҳсулот таннархини арзонлаштириш икки районни ҳисоблаганда 570 минг сўмни ташкил этди. Чилонзор район корхоналари кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмини бешдан икки марта (ўтган йилга нисбатан) ўстириб, маданий-маиший ва хўжалик моллари ишлаб чиқариш планини муваффақиятли адо этишди. Мусобақадош районларда юз нафарга ишчи шахсий беш йиллигини бажариб, шу кунларда 1976—77 йиллар ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Кўн-мўйна заводи, 3-тикувчилик, «Ташгигрушка» фабрикаси коллективлари (Октябрь райони) ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва маҳсулот реализацияси бўйича муҳим кўрсаткичларни эгаллашга эришди.

Бундоқ қараганда районда ҳамма ишлар жойидадек туюлади. Аммо Октябрь районидаги мебель саноатининг тажриба техника заводи январь ойи планини бажара олмади. Район саноатчилари 1973 йилда кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва капитал қурилиш планларини ҳам бажармаган эди. «Сувенир» фабрикаси ўтган йилнинг январь ойига нисбатан маҳсулот реализацияси ҳажмини юз минг сўмга қисқартиришга эришди. Шундай бўлса ҳам улар январь ойи планини муваффақиятли бажарди. Бунинг «сири» битта: уларга план кам берилган.

Чилонзор районининг бешта корхонаси меҳнат унумдорлиги топшириғини бажара олмади. Албатта, бу саноатнинг техник иқтисодий кўрсаткичларига таъсир этди. Район бўйича меҳнат унумдорлиги плани 1,8 процентга бажарилмади, ишлаб чиқариш реализацияси ҳажмини меҳнат унумдорлиги ҳисобига ўстириш эса атиги 15,5 процентни ташкил этди. Иккинчи пойафзал фабрикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи 21 минг сўмга қимматлашди.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат қилаётган ходимлар асосий эътиборларини меҳнат унумдорлиги суръатини ўстиришга, жамоат ишлаб чиқаришининг самарадорлигини оширишга қаратишлари лозимлигини ўқтириб ўтилган. Бу кўрсатмаларга амал қилиниши зарур.



КОРХОНА ҚУВВАТИ ОШАДИ

Ўзбекистон кўн-пойафзал саноати Бош бошқармаси муассасаларининг коллективлари беш йилликнинг белгиловчи йилида планга қўшимча равишда 150 минг жуфт пойафзал тайёрлаш, пландан ташқари 1,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишни зиммаларига олишган.

Буларнинг ҳаммасига ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, мавжуд ускуналарини ишга тушириш ҳисобига эришилади. Масалан, Тошкент 1-пойафзал фабрикасида янги корпус қувватлари фойдаланишга топширилиш арафасида турибди. Бу корпус йилига 5 миллион жуфт пойафзал ишлаб чиқаради.

СУРАТДА: 1-бичув цехининг ускуналари фойдаланишга топширишга тайёр.

К. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ).

Бир институт янгиликлари

ИЛМ ДАРГОҲИ КЕНГАЙМОҚДА

Пахта тозалаш саноати Марказий илмий-текшириш институти Иттифоқда ягона ҳисобланади. Бу ерда барча пахтакор республикаларнинг «оқ олтин» маҳсулотлари устида илмий-текшириш ишлари олиб борилмоқда. Шу муносабат билан, институтда пахтани янги навларга ажратиш, намлигини белгилаш, тола узунлигини ўлчаш, толадан чигитни ажратиб олиш ва бошқа процессларни янада яхши йўлга қўйиш мақсадида замонавий биналар барпо этишга киришилди.

Уч қаватдан иборат яғри комплексни «Главташкентстро й»га қарашли 153-трестнинг 3-қуриниш бошқармаси бунёдкорлари қурмоқдалар.

Қурилишда В. Н. Улибин бошлиқ 25 кишидан иборат комплекс бригада аъзолари меҳнат қилишмоқда. Улар шу кунгача 300 минг сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Объектни ўз вақтида фойдаланишга топшириш учун бинокорлар бор имкониятларини ишга солмоқдалар.

НОДИР АППАРАТЛАР

Юбилей йилининг дастлабки ҳафталариданоқ мазкур институт замонавий аппаратлар ҳисобига бойди. Унинг пахтани синаш бўлимида «ИФЛ—2» маркали фотометрик прибор ишга туширилди. Бу пахта толаси узунлигини ва унинг диограммасини аниқлаб беради.

Куни кеча илмий даргоҳнинг ижодий коллективи яна бир ажойиб «ЛПС—4» маркали аппаратни синовдан ўтказди. У бир вақтнинг ўзида пахта сортини ва ифлослигини аниқлаб беради. Бу муҳим машина 150 граммгача пахтани тўғридан-тўғри сортларга ажратади. Унинг афзаллиги шундаки, бир вақтнинг ўзида экиладиган чигитни яроқлигини ҳам, аниқлаб бера олади.

Кеча институт конструкторлари яратган пахта сортини аниқловчи «ЭСХ» маркали прибор Қорасув пахта тозалаш заводида синовдан ўтказилди. Синов яхши натижа билан тугалланди. Аввалари 8 грамм момиқнинг сортини аниқлашда 20—30 минут вақт сарфланган бўлса, «ЭСХ» приборида 150 грамм массадаги момиқни сортларга ажратишда бор-йўғи 8—12 минут вақт сарфланмоқда.

Нодир аппаратларни ишлаб чиқаришга жорий этишда институт конструкторлари д а н М. Архипов ва В. Дроздовлар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Улар айни пайтда ҳам янги аппаратлар яратиш устида изланмоқдалар.

Р. ТЎЛАГАНОВ.

СОЮЗНИХИ филиали

Бутуниттифоқ Пахтачилик илмий-тадқиқот институти Мирзачўлда ўз филиалини ташкил қилди.

Қарийб ўн минг гектар ери бўлган «Пахтакор» совхози бу филиалнинг экспериментал базаси бўлади. Олти лаборатория Мирзачўлда ва Жиззах даштида мўл пахта ҳосили етиштиришнинг янги технологияси устида иш олиб боради.

Бу — СОЮЗНИХИнинг учинчи филиалидир. Андижон филиали пахтанинг перспектив навларини яратиш соҳасида селекция — генетик тадқиқотлар олиб бормоқда, Қашқадарё филиали ғўзанинг озиқланиши, сув режими масалалари устида ишламоқда.

(ЎзТАГ).

2 тошкент ёшлари

20 ФЕВРАЛЬ, 1974 й.



Кўн-галантерея фабрикасидаги ишчи-хизматчилар коммунистик меҳнат зарбдори, мотористка Забура Убайдуллаева номини фахр билан тилга олишади. Бу илғор ишчи 8 йилдан бери шу корхонада ишлаб, кундалик нормаларини доимо ортиғи билан бажариб келмоқда.

Х. Шодиев фотоси.

Тошкент— жаҳонга

БОЛГАР ДЎСТЛАРГА

«Узбексельмаш» заводида тайёрланаётган қишлоқ хўжалик машиналарини мамлакатимизнинг деярли барча республикаларида учратасиз. Завод коллективи унумли меҳнат қилиб ишда катта муваффақиятларга эришмоқда.

Ўтган ойда машиналарни реализация қилиш планини ортиғи билан адо этган корхона ишчилари қардош Қорақалпоғистон автоном республикаси, Озарбайжон, Тожикистон республикаларига ўндан зиёд турли қишлоқ хўжалик машиналарини жўнатдилар.

Завод ишчилари экспортларни ўз вақтида жўнатиб, мижозлардан кўплаб раҳматномалар олишмоқда. Улар юбилей йилида йиғпрмага яқин мамлакатга ўз маҳсулотларини жўнатадилар.

Кеча

завод цехларидан Болгарияга бир партия кўрак чувиш машиналари жўнатилди. Айни пайтда, заводда навбатдаги экспорт комплектланяпти.

Жиззахга мунтазам рейслар

АН-2 самолётининг рейси билан Сергели аэропорти — Жиззах маршрутида пассажир самолётларининг мунтазам парвози бошланди. Эндиликда республикадаги энг ёш область маркази республика пойтахти билан темир йўллар ва тош йўллар орқалигина эмас, шу билан бирга ҳаво йўли билан ҳам боғланди. Жиззахгача парвоз қилиш учун атиги 45 минут кифоя қилади. Бир ойдан кейин ана шу маршрутда ЯК-40 ва АН-24 самолётлари қатнай бошлайди. Ўшанда учиш вақти ундан бир баравар қисқаради.

Яқин келажакда ҳаво йўллари Жиззахни Ўзбекистоннинг бошқа область марказлари билан, Ўрта Осиё республикаларининг пойтахтлари билан, Москва билан ҳам боғлайди.

● Доимий комиссиялар иш тажрибасидан

ДЕПУТАТЛАР ЁРДАМИДА

Биз район харитаси олдида турар эканмиз, Собир Раҳимов район Совети ижроия комитетининг раиси Ғайрат Восиқович Рафиқов район хўжалигининг янги беш йилликдаги тараққиёт йўллари ҳақида суҳбатлашдик.

— Мана бу ерда, янги микрорайонда катта ошхона қурилиши кўзда тутилмоқда. Унинг ёнида ярим фабрикатлар магазини қад кўтаради. Бу ерда эса ёшлар кафеси қурилади, — тушунтирди раис. — Савдо ва умумий овқатланиш бўйича доимий комиссия бизнинг лойиҳаларимизни маъқуллади.

Суҳбат чоғида район раҳбари бу доимий комиссияни кўп тилга олди. Шунинг учун, мен сўрадим:

— Афтидан, бу комиссия энг яхшисими, дейман?

— Нима десам экан,— иккиланмай жавоб қайтарди Ғайрат Восиқович. — Биз депутатлар ёрдамини доимо ҳис қилиб турамиз. Бу комиссия эса ўз ишини бошқаларга нисбатан яхшироқ бажаяпти.

Савдо ва умумий овқатланиш бўйича доимий комиссиянинг обрўси ҳақида мен бошқалардан ҳам эшитган эдим. Бу коллегиал орган ошхоналар , қахвахоналар, магазинлар кодлектйвларининг ҳаёти билан яқиндан таниш. Комиссия аъзолари овқат сифатини, хизмат маданиятини яхшилаш йўлларини беш қўлдай билишади. Комиссия аъзолари фақат одатдаги иш билан чегараланиб қолишмайди. Улар ўз фаолиятини кенгайтиришга, перспектив характердаги масалалар билан кўпроқ шуғулланишга ҳаракат қилишади.

Бу соҳада районда ҳали қилинмаган ишлар кўп. Улардан бири — марказда ва янги микрорайонлар территориясида оммабоп ошхоналар етишмаслигидир.

Бир неча марта район Совети депутатлигига сайланган тажрибали Барат Саркисевич Баратов раҳбарлигидаги доимий комиссия бу масалани сингчиклаб ўрганди. Масалан Студентлар шаҳарчасини олайлик. Бу ерда ўн мингга яқин студент яшайди. Сессия ва қабул имтиҳонлари пайтида яна шунча сиртдан ўқувчи студентлар ва абитуриентлар келишади. Ошхона ва қаҳвахоналар эса оз. Шу сабабли, кўпчилик овқатланиш учун шаҳар марказига қатнашга ёки бўлмаса пирожка билан кифояланишга мажбур.

Бу аҳволни ўрганган доимий комиссия Студентлар шаҳарчасида ошхона қуриш ва майда овқатланиш тармоқларини кенгайтириш масаласини ижроия комитет олдига қўйди. Ҳозир Студентлар шаҳарчасида «тўшлик масаласи» ҳал қилинди. Кўпгина ётоқхоналарда буфетлар ишлаяпти. Бу буфетларда турли хил ассортиментдаги озиқ-овқатлар мавжуд.

Депутатлар ошхоналар трестига сабзавот ва полиз маҳсулотларидан тайёрланадиган унча қиммат бўлмаган овқатлар хилини кўпайтиришни, университет биносидаги буфетларнинг ассортиментини кенгайтиришни таклиф этишди.

Савдо ва умумий овқатланиш бўйича доимий комиссия иши бир мақсадга йўналтирилганлиги, узвийлиги билан ажралиб туради. Студентлар шаҳарчаси территориясида овқатланиш масаласини ҳал этишга эришгач, депутатлар бу йилда кейинги звено — умумий овқат тармоқлари ишини яхшилашга киришдилар. Аввало, улар барча ошхоналарни текшириб чиқишди. Депутатлар йўл қўйилган камчиликларни қараб чиқиш ҳақида район Совети ижрония комитетига ҳавола қилишди. Чиндан ҳам завод дидаги ошхона ишчилар талабини қондира олмасди. Янги ошхона қурилиши эса жуда суст борарди. Б. Баратов, А. Жалолов, Н. Султонов, К. Ширяева каби депутатлар қурилиш ишларига зарур бўлган асбоб-ускуналарни вақтида етказиб бермаётган қатор ташкилотларнинг раҳбарларига мурожаат қилишди. Депутатларнинг ҳаракати бекуда кетмади. Завод ошхонаси ўз вақтида фойдаланишга топширилди.

«Шарқ» фирмасида умумий овқатланиш ишини яхшилашда доимий комиссия аъзоларя Қ. Деҳқонбоева, С. Мансуров, З. Симоновларнинг ҳиссаси катта бўлди. Эндиликда янги қурилаётган ишлаб чиқариш корпусида катта ва ёруғ ошхона жойлашади. Шу билан бирга ликда 120 ўринли эски ошхона ҳам ишлайверади.

Собир Раҳимов район меҳнаткашларини ёзги ва қишки мавсум давомида сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан муттазам таъминланишида доимий комиссия аъзоларининг ҳиссаси катта. Ўтган йили «Ташплодоовощ» бирлашмасининг район идораси Тошкентда биринчилардан бўлиб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашнинг бажарилганлиги ҳақида рапорт берди.

Бу идора раҳбарлари Қорақамиш массивида ихтисослаштирилган магазинлар қуришига, шунингдек, Бўстонлиқ районида омборхоналар қурилишини тезлаштиришга ёрдам беришни сўраб, доимий комиссияга мурожаат қилишди. Бу масалаларни ҳал қилишда депутатлар озмунча куч сарф қилишмайди.

Доимий комиссия кўп ишлар қилаётганига ҳеч шубҳа йўқ. Лекин шуни айтиш керак-ки, доимий комиссия баъзи майда масалалар билан ўралашиб, айрим зарур масалаларни ҳал қилишга эса етарли эътибор бермаяпти.

Биз юқорида янги микрорайонларда оммабоп ошхоналар йўқлигини эслатгандик. Комиссия депутатлари мана шу масалани ҳал қилишга активроқ киришиши, уни ҳал қилишни Тошкент шаҳар ижроия комитетининг савдо бошқармаси раҳбарларидан талаб қилиши, район Совети ижроия комитети раҳбарлари олдида ўз фикрини дадил ҳимоя қилиши зарур.

Районда шу пайттача махсус парҳеа ошхонаси йўқ. Бу аҳвол билан келишиб бўлмайди, албатта. Шу ҳақда беморлардан кўплаб шикоятлар тушмоқда. Беморлар шаҳар марказига қатнашга мажбур бўлишяпти. Шу пайтгача район ижроия комитети раҳбарларининг бир неча бор илтимос қилишларига қарамасдан, район ошхоналар трести ташкил қилинмаган. Қўшни икки районга қарашли ошхоналар трести бу ердаги умумий овқатланиш тармоқларига хизмат қилишти. Бу эса, умумий овқатланиш тармоқларини кенгайтириш ва улар ишини яхшилашда, шунингдек, кўпгина масалаларни ҳал қилишда ноқулайликлар туғдиради.

Яна шуни таъкидлаш керакки, асосан чакана савдо тармоқларини кенгайтиришга эътибор берилаётир. Умумий овқатланиш муассасаларини қуриш ишига кам маблағ сарфланмоқда. Район ижроия комитети мана шу молия манбаидан ошхоналар тармоқларини кенгайтириш, кулинария магазинларини кўпайтириш, ихтисослаштирилган магазинлар ташкил қилиш учун яхшироқ ва унумлироқ фойдаланса бўларди.

Ҳеч шубҳасиз, биз ҳали кўп иш қилишимиз керак, — дейди доимий комиссия раиси Б. Баратов.— Районда умумий овқатланиш тармоқлари ва магазинлар ишини яхшилаш учун янада ишбилармонроқ, активроқ бўлиш керак...

Район ижроия комитети ва бошқа ташкилотлар комиссия аъзоларига мунтазам ёрдам беришлари лозим. Кўп ҳолларда мана шундай ёрдам етишмайди. Доимий комиссия талай ишлар қилди. Лекин у қўллаб-қувватлаб турилса бундан ҳам самаралироқ ишлаши мумкин.

Р. ГАБДУЛҲАҚОВ.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

ҚАЛБИ ОЛОВЛАР

Тунги репортаж

Уч-тўрт киши Қорақамишда, бекатда автобус кутиб, тунги совуқдан жунжикиб турар эдик. Қулоғимизга аллақандай ҳаяжонли товушлар, эшитилди. Қандайдир улкан симёғоч ўрнидан жилиб, нурини бизга ташлади. Сўнг, яна қоронғилик қаърига ғарқ бўлди.

— Қурувчилар ишлашяпти, — деди автобус кутиб турганлардан бири.

— Не, шу пайтда-я, соат ҳам...— бошқа бир киши қўл соатини ёруққа тутди.— Ўн бир бўлиб қолай, дедим. Ҳм, одамлар ҳам қизиқ, шундай тунда нима зарур ишлаб...

Бекатда турганлар бу кишининг сўзига жавоб қайтаришни эп кўришмади. Улар қурувчилар ишлаётган томонга меҳр билан қилиб туришарди. Шу пайт шундай тунда ишлаётган бинокорлар билан учрашиш истаги уйғонди.

Қурувчилар темирбетон панелларини монтаж қилаётган қурилиш майдонига кириб бордим. Монтажчиларнинг ёнига-иккинчи қаватга кўтарилдим. Улар билан танишишга улгурганим ҳам йўқ эдики, йигитларнинг устига минорали кран «бостириб» келди. Унинг нўлат «қўлларида» катта панел. Икки йигит унинг икки томонидан ушлаб, ётқизишни лозим бўлган жойга яқиндаштиришди. Шунда улардан бири тепага қараб:

— Люда, сал туширр, — деб қичқирди.

Кран ғувиллаб пастга туширди. Монтажчилар уни илмоқдан бўшатиб, кранчи қизга «Вира» дейишди.

Бу икки йигит Анатолий Арбузов билан Виктор Воронов бўлиб, Анатолий звено бошлиғи, Виктор эса 3-разрядли бетончи экан.

Анатолий Тошкентда табиий офат юз бергач, мамлакатимизнинг турли ўлкаларидан ёрдамга келган минглаб кишилардан бири. У мана, етти йилдирки, Тошкентни кўркам шаҳарга айлантиришда жонбозлик кўрсатмоқда. Анатолийни бригадошлари маланали ишчи, яхши дўст сифатида ҳурмат қилишади. Шунинг учун ҳам уни Октябрь район Советига депутат қилиб сайлашган.

— Биз бу 2-Қорақамиш массивининг 5-микрорайонидаги 32 квартирали турар жой биносини монтаж қилишни яқиндагина бошладик, — дейди А. Арбузов. — Бинони тезгатган эдик. Буни ҳам энг камида бир ҳафта илгари битказмоқчимиз.

Суҳбатимиз бўлинди. Минорали кран яна битта плитани олиб келди.

Монтажчилар бинога 30-плитани ўрнатишгач. (бу нормадагидан 3 та кўп) цини тугатиб, дам олиш хонасига киришди.

Шиҳам хонанинг ўнг томондаги деворига қипқизил вимпель осилган. Унинг тарихи билан қизиқдим. Айтишларича, бригада коллективи ўтган йили жуда яхши меҳнат қилишибди. Йиллик планни 27 ноябрда адо этиб, йил охиригача планга қўшимча битта 32 квартирали турар жой биносини монтаж қилишибди. «Жилстрой» тресги, монтаж бошқармаси бригада коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақада биринчи ўринни эгаллашди. Бундай ютуқларга қандай эришишганини сўрадим.

— Бизда иш вақтини қадрлашади,— деди Алексей Немец. —Муваффақиятларга эришишимизда Қурилиш механизацияси трести, 8-механизация бошқармасининг кран машинисти Людмила Кузминанинг ҳам хизмати катта. Ёш бўлса, ҳам тажрибаси зўр. У ҳаммамиздан кучли, тўғрими Люда.

— Камтарлик ҳам эвн билан, — Люда хиёл уялгандай бўлди.— Мен плиталарни етказиб берганим билан уни қабул қилиб олаётганлар яъни сизлар бўлмасанглар, бир иш бажариб бўлармиди...

Столнинг устида бир тўп газеталар ётарди. Уларда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1974 йилда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш ҳақидаги қарори эълон қилинган. Қарорнинг «...қурилиш ишлари сифатини тубдан яхшилаш..., кам чиқим билан кўпроқ, яхши сифатли маҳсулот етказиб беришлик», деган сўзлар ёзилган жойлари чизилган эди...

А. НИЁЗОВ.

Кексайдим деманг

САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

ҚАРИЯГА ПАРВАРИШ ВА ҲАРАКАТ ФАРЗ

▲ ЯХШИ СЎЗДАН — ДИЛ НУРАФШОН
▲ ХУРСАНДЧИЛИК— ТЕТИКЛИК БАҒИШЛАЙДИ
▲ ҲАРАКАТ — ҲАЁТ РАМЗИ
▲ МАССАЖНИНГ ХОСИЯТИ КЎП
▲ ОЗ БЎЛСИНУ, СОЗ БЎЛСИН

Кўпчилик кексаларнинг ёшига яраша, афсуски, дарди-алами бўлади, зеро организмда хийла ўзгаришлар содир бўлади. Кексаликнинг бошланиш даврларида, аёлларда тахминан 45, эркакларда эса 55 ёшлардан сўнг ажаб бир руҳий ҳолат содир бўладики, уни медицинада климакс деб атаймиз. Бу давр жинсий гармонларнинг функционал сўниш жараёнига оид бўлиб, киши асосан руҳан беқарор бўлади. Бир пастда жаҳли чиқиб кетади, кўрлиги келиб, йиғлайди ҳам. Бундай қишининг бадани бирпасда қизиб ёки совуб, ранги қизариб ёки ўчиб кетади. У яна кутилмаган бирор дард-аламга учраши мумкин. Бу ёшдаги ота-оналарнинг хуш, нохуш, сўзлари табиий бўлиб, таажжубланмаса ҳам бўлади.

Катта ёшдаги кексаларнинг белими, оёғими оғрийди ёки бўлмаса қулоғи тиниқ эшитмайди, кўзи яхши кўрмайди. Яна кимдир «қонат равон эмас» деб нолийди. Бир вақтлар алифдек тик қомат камондек эгилабошлайди. Ғаи қушлек енгил бўлса ҳам, воажаб оҳиста қадам бўлиб қолади. Бунинг устига уйқусизлик, қабзият, дармонсизлик, нотинчлик қўшилса, дард устига чиқон деганлардек, кексанинг аҳволи баттар ночорлашади. Кексанинг мушкулини осон қилиш мумкин. Оилавий матлуб муомала, муносабат муолажанинг аввали ва афзалидир.

Шаҳримизда истиқомат қилаётган 86 яшар Нуридин Бўрибоевнинг бола-чақа ёки набираларидан бири отанинг олдига салом бериб кирар экан: «Буважон, нима хизматингиз бор», «Нима егингиз келяпти» ёки «Уқалаб қўяймн» деб мунтазир кутиб туради. Бундай сеҳрли сўзлардан кексанинг дили нурафшон бўлади.

Бир ёқимтой набира шоирнинг мана бу шеърини ўқиб, бувисини табассумга мойил қилади.

Омон бўлсин бошингиз,
Ҳозир қанча ёшингиз,
Дадамларни боққансиз,
Оғнмларга ёққансиз,
Топишмоғу, эртакка
Бувижоним чаққонсиз.

Қариянинг кўнглини кўтариш, овлаш фақат онлада эмас, балки кўча-кўйда транспортда ҳам ўз кучини сақлайди. Ривоятларга қараганда, мадрасадан қайтаётган шоҳ Баҳром сарой олдида ўтирган бир чолга рўпара келибди. Қария ниҳоятда юпун кийинган. чопонининг астар-аврасн ағдарилиб кетган, кўринишидан хастага ўхшарди.

— Ассаламу алайкум, ота, — дебди шоҳ бир танга узатиб.— Бетоб кўринасиз, юринг, мен билан, ҳакимга кўрсатай.

Чол кўзига ёш олибди, кейин қўлини очиб, Баҳромни дуо қилибди: «Хайр-эҳсонинг мушкулимни осон қилмаса ҳам, ширин сўзинг кўнглимни тоғдек кўтариб юборди. Ўғлим, — дебди у чеҳраси очилиб»...

Руҳий жиҳатдан кексалик икки хил бўлади. Шодон ва ғамгин. Шодон кексанинг чеҳраси очиқ, муомала ва муносабат ҳам ўзига лойиқ. Ҳамма унга эргашади, чунки унинг нуроний юзидан зиё ёғади, покиза кийинади ҳам.

Ғамгин кексанинг руҳи доим болутли бўлиб, у доим нолийди, кимларнидир қоийди, бировларни ғийбат қилади. Улардан баъзилари майпараст ёки нодону жоҳил бўлади. Бундай кексалар ҳақида Носир Хисрав: **«Кекса кишн бўлса нодону жоҳил, ақлли ғўдакни ундан афзал бил»**, — дейди.

Бинобарин, бунақа жоҳил, нодон кексанинг бирор ҳамроҳи ёки дўст-биродари бўлмайди. Ҳар ким ҳам ундан нари юргиси келади. Бу аҳвол давом эта бериб, кексанинг руҳий аҳволи кундан-кунга оғирлашаверади.

Бу ҳолат бош мия ва унинг пўстлоғида содир бўлган чуқур ўзгаришлардан далолат беради. Энди кекса ўзи бехабар ҳолда ғайриоддий ишларга йўл қўяди. Бунга ҳайрон ва гирён бўлиб ўтирмасдан, ўз вақтида шифокорга мурожаат қилиш ва унинг маслаҳати билан иш кўриш лозим бўлади.

Фин мақолларининг бирида «ёшлик бир марта, ғўдаклик икки марта келади» дейилган.

«Кексанинг кучига-куч қўшадиган ҳаётий омиллардан бири ҳаракатдир. Бошқача айтсак, ҳаракат — ҳаёт рамзидир. Ҳаракатсизлик кишини тўшакка қанча яқинлаштирса, ҳаракат уни тўшакдан шунча узоқ қилади. Кексалар ивирсилаб бўлса-да, бирор юмушни бажариб юришади. Жисмонан ҳам, руҳан ҳам қаноат ҳосил қилишади. Уша ҳаракат вақтида, гарчи у жуда юзаки бўлса ҳам, барибир аъзоларга, тўқима ва ҳужайраларга қон келади, бамисоли суғорилади. Шунда вазн ҳам, шакл ҳам сақланади. Баъзи қариялар шаҳар саёҳатига чиқишади, кўркам жойларда тўхтаб, томоша қилишади. 96 ёшли Маҳкам ота эса ўз тенгдошлари билан цирк ва хиёбонларга келиб туришади, сўнг бирор ошхона ёки чойхонада овқатланиб олади.

90 ёшли Мансур ота ҳануз транспорт кутмай, илдам қадамлар билан узоқ узоқларга кетиб қолади. 85 ёшли Ҳасан ота Сиддиқов-нинг доим енги шимарилган. У нимаиндир бажарган-бажарган. Узоқ умр кўрган Жамбул, Мирза Абдулла Боқий, Ризамат ота, Тошканбой дарвоз ва шуниндек, Саксонбой, Тўқсонбойларнинг оталари хизматга доим тайёр турганлар.

Аммо битта ҳам ялқов узоқ умр кўрмаган.

Ҳаракатсиз турган ёки ётиб қолган кексанм кунда бир-икки марта ёғ суртиб, яхшилаб уқалаб қўйилади (массаж). Уқалаш ҳаракат ўрнини босади: томирларда қон равон оқади, кислород таъминоти яхшиланади, оғриқ қолади. Натижада, кекса ўзини яхши сезади.

Кексанинг овқати оз-оздан бўлиб, сифат жиҳатидан соз, яъни мазали бўлиши керак. Энди «тегирмон» — ошқозон бақувват эмас, уни аяш ва тежаш керак бўлади. Шовла, ширгуруч, атала, ҳолвайтар, ширчой, лимончой ва шунга ўхшаш овқат ва ичимликлар меъда, ичак ва юрак томирларни уринтирмайди, тез ҳазм бўлади. Кечаси ётиш олдидан бир пиёла қатиқ ичиш қони фойдадир. Баъзилар қатиққа бир оз шакар қўшиб, жуда тўғри қилишади. Ҳовончага тайёрланган магиз, ёнғоқ ва новвот ҳолваси, сариёғ ва асал билан димланган беҳи қон томирларига ҳам, меъда ичакларга ҳам, ўпка-ю нафас йўлларига ҳам хуш келади. Сабзавот (сабзи, шолғом, карам) ва кўкатлар билан тайёрланган жўжахўроз ёки қайнатма шўрва ҳам бутун аъзо ва тўқималарга алоқадор бўлиб, кишини дарддан фориғ қилади. Пнфагор ҳил-ҳил пишган қарнни сариёғ билан баҳам кўриб, мазза қиларди.

Ёш-яланглар мижози иссиқ бўлади. Уларга катта ва кучли калорияли овқатлар лозим бўлади. Даромадга яраша буромад деганлардек, ёш-яланглар давомли жисмоний меҳнат ҳаракатга берилиб, баданда йиғилган ҳароратни сарф қилиб юборадилар. Кексалар мижози эса, совуқ бўлади: қази-карта, ёғли балиқ, жигар, буйрак, ҳасиб, қовурма каби овқатлардан фақат татиб кўриш мумкин, аммо тўйиб ейилмайди, акс ҳолда қон босими ошиб кетади, меъда-ичаклар уринади.

Дармонсизлик, асабийлик бўшашишлиги, тез-тез дардга чалиниб туришлик каби ҳолатлар организмда (кўпинча қиш ва эрта баҳорда) витаминларнинг етишмаслигидан содир бўлади. Декамевит, ундевит (витаминлар бирикмаси) эса қариянинг кайфини чоғ қилади, асаб ва мушаклар мувозанатини созлайди, иштаҳа очади, ҳордиқ чиқаради, ухлатади ҳам. Бу витаминлар қарияларнинг жонига оро киритти. Аммо бу витаминларни қачон ва қанчадан истеъмол қилишни врачдан сўраш керак.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
З. ЭГАМБЕРДИЕВА,
медицина фанлари кандидатлари.

Билиб қўйган яхши

Оддий кўк пиёз — С витамини ва каротининг ажойиб манбаидир. Жумладан, унда С витамини карам ва апельсинга нисбатан икки баравар, олмалардагига нисбатан 4—5 баравар ва картошкага нисбатан олти баравар кўп.

Қишда ёки баҳорда уй ичида ёхуд теплицада етиштирилган пиёздаги витаминлар полизда етиштирилган пиёзникидан қолишмайди. Бу деган гап, кўк пиёзни йил давомида витамин ўрнида тановул қилиш мумкин.

Бундан ташқари пиёзда эфир мойи мавжуд бўлиб, у таомни хушбўй ва хушхўр қилади, пиёз билан безатилган таомлар иштаҳани очади. Буларнинг ҳаммаси ошқозон фаолиятига яхши таъсир этади.

Бола—нозик гул

Юқумли касалликлар орасида биринчи ўринни грипп эгаллайди. У ташқи шароитнинг ўзгаришн натижасида авж олади. Бу касаллик пайдо бўлиши ва кишилар ўртасида тез тарқалишига сабаб, касалликни авж олдирувчи вируслар, грипп билан оғриган кишиларнинг бурун, томоқ, ўпка йўли шиллиқ қаватига ўрнашиб олиб, тезда кўпайишидир. Одатда, грипп касаллиги болаларда тўсатдан бошланади. Тана ҳарорати кўтарилиб 38—39, ҳатто 40 даражага етади. Бош оғриб, дармонсизланади. Уйқуси бузилиб, иштаҳаси камаяди. Бурнидан қон кетиши мумкин, асабийлашади. Кичик болаларда иситма аралаш тутқалоқ ҳам тутади, йўталади. Бурнидан сув оқади, икки-уч кундан кейин тонуш ҳам ўзгаради.

Гриппдан сўнг кўп ички аъзоларда ҳар хил асоратлар қолади. Ўпкагача бўлган йўллар шамоллаб, нафас олиш қийинлашади ва ниҳоят, ўпкага ўтиб, ўпка ҳам яллигланади. Бу ҳол кичик болаларда жуда оғир ўтади. Врачга мурожаат қилинмаса, кўнгилсиз воқеалар рўй бериши мумкин.

Грипп билан оғриган бола бир-икки ҳафтадан кейин ўзига кела бошлайди. Унга алоҳида диққат ва парвариш зарур.

Касал турган хона доимо шамоллатиб турилиши, хона ёруғ ва озода бўлиши лозим. Боланинг жийим-бошлари, ўринлари тоза бўлиши, идиш товоқлари содали сувда қайнатиб ювилиши керак.

Парвариш қилаётган одам тоза докадан тўрт қаватли маска тикиб оғиз-бурунга тутиб юриши ва ҳар икки соатда уни алмаштириб туриши тавсия этилади.

Ҳ. АСАДОВА,
17-шаҳар шифохонаси болалар бўлимининг мудири.



15-шаҳар шифохонаси реанимация бўлимининг медицина ҳамшираси Собиҳа Мирзабоева коллективнинг таниқли ва ҳурматли кишиларидандир. У эммасидаги вазифага содиқлидан муносабатда бўлиши, беморларга гоят эътиборлилиги билан коллектив ўртасида обрў қозонялти.

СУРАТДА: Собиҳа Мирзабоева қон қуйиш аппаратини созлаш пайтида.

Ю. Бутусов фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

ҚОБУЛ. Афғон халқи Афғонистон миллий экономикасини ривожлантириш ишида Совет Иттифоқининг техникавий ва иқтисодий ёрдамини юксак даражада қадрлайди. 1974 — 75 йилларда геологик қидирув ишларини таъминлаш учун машина-ускуна ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш тўғрисида Бутуниттифоқ «Техно экспорт» бирлашмаси билан шартнома имзолангач Афғонистон Республикаси саноат ва кончилик ишлари министрининг ўринбосари Фаранд бу ерда шу гапларни айтди.

БИРЛИК ВА ТИНЧЛИК ШИОРИ ОСТИДА

БОНН. Ғарбий Германиянинг прогрессив «Ферлаг-маркс и с т и ше блеттер» нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг «КПСС барча революцион ва тинчликсевар кучлар бирлиги учун курашда» доклад ва нутқлар тўпламини босиб чиқарди.

Ғарбий Германия коммунистларининг «Унзере цайт» газетаси шу тўпламнинг нашр этилишига бағишланган мақоласида қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: Л. И. Брежневнинг тўпламга киритилган доклад ва нутқлари халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг, барча тараққийпарвар ва озодлик кучларининг бирлигини мустаҳкамлашга доир энг муҳим масалаларга — тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун курашнинг асосий масалаларига бағишланган.

Газета Л. И. Брежнев социализм тарихий муваффақиятларини қўлга киритишга, тинчликни таъминлашга ва халқаро муносабатларни тараққиёт кучлари фойдасига ўзгартиришга шахсан катта ҳисса қўшган лигини ўқтириб ўтади.


Икки республика ҳамкорлиги

УЛАН-БАТОР. Бу ерда Монголия Халқ Республикаси билан Болгария Халқ Республикаси ўртасида 1974-75 йилларга мўлжалланган маданий ва илмий ҳамкорлик плани имзоланди. Планда илм-фан, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат ходимлари делегацияларини, артистларнинг ижодий коллективларини бир-бирига юбориб туриш, студентларни ўқитиш ва стажировкадан ўтказиш, турли хил виставкалар ва кинофестивеллар ташкил этиш кўзда тутилади. Планда Монголия Халқ Республикаси эълон қилинганлигининг 50 йиллиги ва Болгарияда социалистик революция ғалаба қозонганлигининг 30 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар катта ўрин эгаллайди.

ҚИММАТБАҲО МОЛЛАР АУКЦИОНИ

РАНГУН. Бирма пойтахтида қимматбаҳо тошлар, марварид ва нефритнинг ўнинчи аукциони очилди. Аукционда қатнашиш учун кўпгина мамлакатларнинг вакиллари келишди.

Рангун аукционининг оммавийлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўшанда умумий қиймати 11 миллион Америка долларидан ортиқ бўлган қимматбаҳо моллар сотилган эди.



Нью-Йорк. Шаҳарда кўп қаватли бинолар шу даражада кўпки, баъзи кўчаларга қуёш тушмайди, ҳаво етишмайди. Архитекторлар бу проблемани ҳал этиш учун сиз суратда кўриб турган зинапоя шаклидаги биноларни қуришни таклиф этмоқдалар.

ТАСС фотохроникаси.

Ёқубжон ШУКУРОВ.

Капитан

(ВОҚЕИИ ҚИССА)

Чуниқ фусункор жоду кўзлари қора булут остидан гоҳ ярқ этиб чиқиб, гоҳ яширингансимон узун қора киприклари ортида ўйнарди.— Чалинг!

— Жоним билан!— деди Рустам самимий. У шу топда ўзининг қиз устида турганини ҳам, пул ҳақида, Маликанинг ўзи ҳақида гаплашиб олиши шарт эканини ҳам эсидан чиқарди, Наҳотки, муҳаббат ҳар қандай шароитда шу қадар зўр куч, шу қадар сеҳрли тилсимотга айланиб кетса! Рустам ўзини қиз йўлига қурбон қилмоқда шекилли, ҳаракатдан берилиб, баданда йиғилган ҳароратни сарф қилиб юборадилар. Кексалар мижози эса, совуқ бўлади: қази-карта, ёғли балиқ, жигар, буйрак, ҳасиб, қовурма каби овқатлардан фақат татиб кўриш мумкин, аммо тўйиб ейилмайди, акс ҳолда қон босими ошиб кетади, меъда-ичаклар уринади.

Дармонсизлик, асабийлик бўшашишлиги, тез-тез дардга чалиниб туришлик каби ҳолатлар организмда (кўпинча қиш ва эрта баҳорда) витаминларнинг етишмаслигидан содир бўлади. Декамевит, ундевит (витаминлар бирикмаси) эса қариянинг кайфини чоғ қилади, асаб ва мушаклар мувозанатини созлайди, иштаҳа очади, ҳордиқ чиқаради, ухлатади ҳам. Бу витаминлар қарияларнинг жонига оро киритти. Аммо бу витаминларни қачон ва қанчадан истеъмол қилишни врачдан сўраш керак.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
З. ЭГАМБЕРДИЕВА,
медицина фанлари кандидатлари.

— Ёнг ёнимда, — деди Малика ўзини Рустамга ташлаб. — Ёнимдан ҳеч қаёққа кетма, ҳеч қаёққа!

— Ёнингда, ёнингда, — деди Рустам ўзини ўнглаб олиб. — Ёнингда, ёнингда, ёнингда...

— Ёнимда, ёнимда, ёнимда, — деди Малика ҳам.

— Ёнингда, ёнингда, ёнингда, — деди Рустам ҳам.

Ажойиботлар оламида

ЎТДА ЁНМАЙДИ

Волга автомобиль заводининг пайвандчиларига бир неча комплект яп-янги жомакор бериб:

— Синаб кўринг-чи, эрниган металл билан ишлаганда ёнармикин, — дейишди.

Жомакорга тушган дастлабки учқунлар ундан худди снмоб томчисидек думалаб кетди. Куртканга бир тўп учқун сачратиб кўришган эдм, бironта ҳам жойи куймади.

Бу жомакор Бутуниттифоқ пленка материаллари ва сунъий кўн илмий-тадқиқот институтининг Иваново филиалида ишлаб чиқилган янги сунъий кўн «эласт»дан тикилди. Мутахассислар оддий техникавий газламага юпқа полимер қопламни туширишни таклиф қилдилар. Кийимга металл томчиси текkан жойда газ қатламн ҳосил бўлиб, учқун шунинг устида баайни ҳаво ёстиғида сирғалгандек, шиддат билан пастга думалаб тушади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, «эласт»дан тикилган жомакор металлургия корхоналарининг иссиқ цехларида ҳам кенг кўламда ишлатилади.

А. ФРАНКОВСКИЙ,
ТАСС мухбири.
Иваново.

«СВЕТЛЯЧОК» ҚОРОНҒИДА ЁНАДИ

Қош қорайди. Йўлка ёнида турган машина асфальт, атрофдаги уйлар билан биргаликда қоронғиликка чўма бошлади. Бир вақт автомобилнинг габарит чироқлари ёниб қолди. Ҳолбуки бу пайтда машинада ҳеч ким йўқ эди. Кўшни уйларнинг номерларини ёритувчи лампалар ҳам ўзўзидан ёна бошлади.

Чироқларни... қоронғиликнинг ўзи ёқди. Ёритилиш маълум даражага етганда махсус «Светлячок» [«Ялтироқ қурт»] асбоби фотоэлемент сигнали бўйича ишлай бошлади.

Шу чоғроқ асбоб икки блок—фотоэлемент билан стол календаридек келадиган электрон қурилма ўрнатилган қутичадан иборат. Таллин ўлчов асбоблари заводининг мутахассислари электрон блокни янада кучли қилинса унинг ёрдами билан кўча чироқларини, цех ва иш кабинетларидаги чироқларни автомат тарзда ёқиб ўчириш мумкин бўлади, деб ҳисоблайдилар.

«Светлячок» кўплаб ишлаб чиқарилмоқда ва дўконларга юборилмоқда.

М. ИШОВ,
ТАСС мухбири.
ТАЛЛИН.

Спорт

ЯРИМ ФИНАЛДА ФАҚАТ СОВЕТ ГРОССМЕЙСТЕРЛАРИ

Пальма-де-Мальорка шаҳрида жаҳон шахмат тожи учун даъвогарларнинг сўнгги чорак финал матчи ниҳоясига етди. Собиқ жаҳон чемпиони Т. Петросян 3:2 ҳисобида венгриялик гроссмейстер Л. Портишни мағлубиятга учратиб ярим финалга йўлланма олди.

Шундай қилиб, мусобақанинг навбатдаги босқичида фақат совет гроссмейстерлари ўйнашади. Апрель ойининг биринчи ярмида А. Карпов — Б. Спасский ва В. Корчной — Т. Петросян матчлари бошланади. Эслатиб ўтамиз: рақиблар жами йигирма партия ўйнашди. Кимда ким биринчи бўлиб тўрт ғалабага эришса, шу спортчи голиб деб топилади. Шу йилнинг сентябрь ойида эса финал матчи бошланади. Финалда голиб чиққан шахматчи жаҳон чемпиони Р. Фишер билан куч синашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

⊙ ШАШКА

СПАРТАКЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Наманган шаҳрида «Спартак» кўнгилли спорт жамиятининг шашка бўйича мусобақаси 10 кун давом этди. Тошкент, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм, Андижон областларининг терма командалари ва Қорақалпоғистон АССР шашкачилари қатнашдилар. Мусобақаларга эркаклар, хотин-қизлар ҳамда ўсмирлар таклиф қилинди.

Қизғин ўтган ўйинлардан кейин биринчи ўринни тошкентликлар, иккинчи ўринни хоразмликлар, учинчи ўринни наманганликлар олдилар. Голибларга спорт жамиятининг дипломлари ва мукофотлари топширилди.

Тошкентлик ёш шашкачи А. Алимуҳамедов, хоразмлик Х. Гойипова, А. Абдураҳмонов ва наманганлик Г. Дадабоевалар 1-категориядаги шашкачи унвонига норма топширдилар.

Ш. ЕҚУБОВ,
мусобақанинг бош судьяси.



Тошкентдаги В. И. Ленин номли республика пионер ва ўқувчилар саройи қошидаги миллий наққошлик тўгарагида шаҳардаги мактабларнинг 90 ўқувчиси фаол иштирок этмоқда. Бу тўгаракка Узбекистон ССР халқ рассоми Жалил Ҳакимов раҳбарлик қилляпти. Ўқувчилар ҳозир Узбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллик юбилейига атаб ажойиб совғалар тайёрлашмоқда.

СУРАТДА: бир группа тўгарак қатнашчилари ёғочдан ўйиб ишланган гулдонларни пардозлаш пайтида. **М. Нуриддинов фотоси.**

● Сўнгги пушаймон — ўзингга душман

ГАРНИТУРФУРУШ

Хонадонини чет элдан келтирилган гарнитур билан безаш Г. Шевченконинг мақсади эди. Аммо уни қандай қилиб харид қилиш мумкин?

У омади келганлардан экан. Шевченко кутилмаганда, ўзи истаган гарнитурни топиб берадиган устаси фаранга йўлиқиб қолса бўладими? Бу ҳожат чикарувчи шахс — 3-автокомбинат ҳайдовчиси Борис Григорьевич Коган эди.

— Хўш, айтган гарнитурингиз муҳайё бўлади, хизмат ҳақига қанча берасиз? — сўради Борис Шевченкодан.

— Ундай паст келадиганлардан эмасмиз, нима десангиз, ўшани оласиз. —деди харидор ҳам бўш келмай.

— 500 берасиз.

— Бўпти...

Борис Григорьевич ваъда беришга берди-ю, буёғини ўйлаб қолди. Мўмай 500 сўмни жаракдатиб санаб олаётганлигини кўз олдига келтирганда, у ўрнидан туриб кетди.

Ваъдамни қандай қилиб бажараман деб турганида, комбинатдагилар уни сотиб олинган мебелларни эгаларига элтиб бериш учун «Ташхозкультторг»га қарашли 28-магазинга юбориб қолса бўладими!

Бу ерда мебель ва шунга ўхшаган камёб моллар корхона ва ташкилотларнинг берган рўйхати бўйича тақсимланар эди.

Қатор териб қўйилган бежирим мебелларни кўздан кечириб турганида, гражданка Двухбабная кириб келади. У мебель олиш учун навбати келганлиги ҳақидаги чақириқ қоғозини қўлида ушлаб турарди.

— Гарнитурни олмайман, — деди Двухбабная.

— Сизга керак бўлмаса, менга олиб беринг, — гапга аралашди Борис Григорьевич. — Шундай зарурки, асти сўраманг.

Ҳақиқатан ҳам, орадан кўп вақт ўтмай. «Сойтри-1-Б» чет эл гарнитури ортилган машина катта йўлдан «Ташавтомаш» турар жой массиви томон кушдек учиб борарди. Б. Коган олиб келган «совға»си учун Шевченкодан 1743 сўмни қуртдек санаб олди.

Шу билан ишга нуқта қўйиш лозим эди. Аммо унинг қийиғи чиқиб қолди. Нега деганда, у ҳозиргина чўнтагига урган бели қайтарилмаган пулларга ОБХСС муҳри босилган эди...


Куйбишев район халқ суди Б. Коганнинг жиноий ишини кўриб чиқиб, уни тўрт йилга оғир режим билан озодликдан маҳрум этди.

Н. БАРХАНОВ,
Куйбишев район халқ судининг раиси.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!



«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ 8-МАГАЗИНИ САЛОНИДА

МАМЛАКАТИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МЕБЕЛЬ НАБОРЛАРИ ВА АЛОҲИДА ДОНАЛИ МЕБЕЛЬ ПРЕДМЕТЛАРИ, ТУРЛИ ХИЛ МАРКАДАГИ ТЕЛЕВИЗОРЛАР, ХОЛОДИЛЬНИКЛАР, КИР ЮВИШ МАШИНАЛАРИ, ЭЛЕКТР МОЛЛАРИ, ФОТО ВА МУЗИКА МОЛЛАРИ, МАКТАБ-ЁЗУВ ПРЕДМЕТЛАРИ, МАДАНИЙ-МАИШИЙ ВА ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ, ТУРЛИ-ТУМАН РУЗҒОР БУЮМЛАРИ.







МАВЖУД
МАГАЗИНДАН
МОЛЛАРНИ
КРЕДИТГА ВА
БУЮМ ҲАҚИНИ
ПУЛ ЎТКАЗИШ
ЙЎЛИ БИЛАН
ТЎЛАШ ОРҚАЛИ
СОТИБ ОЛИШ
МУМКИН

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ 8-МАГАЗИНИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Кино

20 ФЕВРАЛДА

Темир ниқоб — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «СПУТНИК» (кечқуруи).

Булутлар — «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Сеннми, шошмай тур! (Мультфильмлар тўплами) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Емғир ёғди, излар ювилди — «КЎКЧА» (кечқурун).

Эрамиздан миллион йил илгари — НАВОИЙ номли (кечқурун).

Чемпион — «МИР» (кечқуруи).

Қора лола — ҲАМЗА номли (кечқурун).

Ютқазилган ўйин — С. РАҲИМОВ номли (кечқуруи).

Филлар — менинг дўстларим — Р. ҒУЛОМ номли (кечқуруи).

21 ФЕВРАЛДА

Темир ниқоб — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруи).

Булутлар— «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруи).

Сеннми, шошмай тур! (мультфильмлар тўплами) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Емғир ёғди, излар ювилди — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқуруи).

Эрамиздан миллион йил илгари — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқуруи).

Чемпион — «МИР» (кундуз ва кечқуруи).

Қора лола — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқуруи).

Ютқазилган ўйин — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқуруи).

Филлар — менинг дўстларим — Р. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқуруи).

«Узбекконцерт»
22, 23 ФЕВРАЛЬ КЕЧ
СОАТ 8 ДА
СВЕРДЛОВ НОМЛИ
КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
24 ФЕВРАЛЬ КЕЧ
СОАТ 8 ДА
НАВОИЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕК ДАВЛАТ
АКАДЕМИК КАТТА
ТЕАТРИДА
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР
САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ
КОНЦЕРТИ

КОНЦЕРТДА: БЕРДАХ НОМИДАГИ ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ; УЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ «ҚИРҚ ҚИЗ» ДУТОРЧИЛАР АНСАМБЛИ; «МАРҲАБО ТАЛАНТЛАР» ТЕЛЕВИЗИОН КОНКУРСИНИНГ ЛАУРЕАТЛАРИ, ФИЛАРМОНИЯ ВА ТЕАТРЛАРНИНГ СОЛИСТЛАРИ, МУЗИКА БИЛИМ ЮРТИНИНГ ХОРИ ҚАТНАШАДИ.

Билетлар кундуз соат 2 дан бошлаб сотилади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20ІІ да **Богчасарой фонтани.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20ІІ да **Мирзо Улуғбек**, 21ІІ да **Алжонларим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20ІІ да **Ўжарлар**, 21ІІ да **Фарғона тонг отгунча.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 20ІІ да **Ташвишланманг, онажон**, 21ІІ да **Алғов-далғов.**

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ЧЕТ ЭЛ ТУРИЗМИ БОШҚАРМАСИ БАЗАСИДА

Янги ташкил этилган

129-ТЕХНИКА
БИЛИМ ЮРТИ
ЎҚУВЧИЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти метрдотель, официант, меҳмонхона ҳаваталари мудирлари мутахассисликлари бўйича юқори маълумотли ишчилар ва хизматчилар тайёрлайди. Асосан ёши 17 дан 25 гача бўлган, тўлиқ ўрта маълумотли йигитлар қабул қилинади.

Билим юрти шунингдек сантехник-слесарлар, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича слесарлар; электр ускуналарини ремонт қилиш, лифтларга хизмат кўрсатиш бўйича электр монтёрлар; хона хизматчилари тайёрлайди.

ЎҚИШ МУДДАТИ — БИР ЙИЛ.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 АПРЕЛДАН БОШЛАНАДИ.

Тошкент шаҳрида прописнаси бўлган кишилар қабул қилинади. Билим юртини битириб чиққанлар «Узбекистон» меҳмонхонасида ишлайди.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юрти директори номига ёзилган ариза, ўрта маълумот тўғрисида аттестат, паспорт, ҳарбий билет, турар жойдан, соғлиғи тўғрисида (286-форма) справкалар, 6 дона фотосурат (2х4 см).

Билим юртига қабул қилинганларга 50 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Қабул комиссияси ҳар куни (якшанбадан ташқари) эрталаб **соат 9.00 дан неч соат 18.00 гача ишлайди.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Юнусобод массиви, «Шимол Д-2», А. Дониш кўчаси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

1 МАРТДА

БАҲОРГИ МАВСУМ ОЧИЛАДИ

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

ҚОЗОҚ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ПРОГРАММАДА: отлар, акробатлар, масхарабозлар ва бошқа оригинал жанрлар.

Томошалар неч соат 19.30 минутда бошланади.

Шанба ва якшанба кунлари 12.00, 15.00 ва 19.30 минутда бошланади.

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

24 ФЕВРАЛЬ КУНДУЗ СОАТ 3 ЯРИМДА

ШВЕЦИЯ — СССР-1

КОМАНДАЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ БИЛАН

ФУТБОЛ БЎЙИЧА IV ХАЛҚАРО ТУРНИР БОШЛАНАДИ

ТУРНИРДА: СССР-1, СССР-2, Узбекистон, ГФР, Швеция, Финляндия, ГДР ва Польша командалари қатнашадилар.

Билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ

телефонистқалар тайёрловчи

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсларга ёши 16 дан 25 гача бўлган; 9—10-синф ҳажмида маълумотли, Тошкент шаҳрида пропискаси бўлган қизлар қабул қилинади. Қабул қилинганлар Тошкент шаҳар телефон станциясида 6 соатли иш куни бўйича ишлайдилар.

ЎҚУВЧИЛАРГА 45 СУМ ҲАЖМИДА СТИПЕНДИЯ ТУЛАНАДИ.

Ўқишни давом эттиришни истовчилар техникум ёки олиқа институтининг сиртқи бўлимида ўқишлари мумкин. Ўрта маълумоти бўлмаганлар учун станция қошида кечки мактаб очилган.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 28-уй, Шаҳарлараро телефон станциясининг янги биноси. телефон 44-33-34.

РЕСПУБЛИКА ПРОТЕЗ-ОРТОПЕДИЯ ЗАВОДИГА

меҳнат бўйича экономист, бош бухгалтер ўринбосари, кассир-иннассатор, инженер-электрик, электр монтёрлар, дастгоҳда ишловчи дурадгорлар, йигувчи слесарлар, транспортировкачи ишчилари, пойафзал қолипларини мословчилар, юқорида кўрсатиб ўтилган касблар бўйича шогирдлар, участка бухгалтерлари, товаршунос, машинистка

КЕРАК

Заводда бир сменада ишланади.

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга мурожаат қилинсин.

Октябрь район халқ маорифи бўлими, маориф ходимларининг район касаба союз комитети ва 13-ўрта мактаб коллективи шу мактабнинг директори М. Афандиевага оиласи

Васила АСОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Телевизор

20 ФЕВРАЛЬ Душанба

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Энг ҳурматли одам». Болалар учун мультфильм. 18.15 Ўқувчилар учун. «Қизил галстук». Телевизион журнал (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 18.45 «Чили —озодлик куни келади». Чили Социалистик партиясининг Бош секретари Ўртоқ Карлос Альтамиранонинг Совет телевидение орқали суҳбати. **Тошкент кўрсатади. Рус тилида.** 19.10 «Прогресс» программаси. 19.40 «Ахборот» информацион программаси. **Ўзбек тилида:** 19.55 Миллионлар ленинча университети. 20.10 Адабий театр. Мансуд Шайхзода. «Шоир қалби дунёни тинглар». 20.40 «Ахборот» информацион программаси. 21.00 Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига. «Бунёдкор». Саноат ходимлари учун программа. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Рангли телевидение. Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (М) — «Спартак» (М). В. И. Ленин номли Марказий спорт саройидан олиб кўрсатилади.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 18.00 Фан оламида. 18.30 Рангли телевидение. Болалар учун кўрсатув. **Тошкент кўрсатади.** 18.45 Ҳужжатли фильмлар экрани (Ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 19.10 Рангли телевидение. Спорт программаси. Чанги спорти бўйича жаҳон чемпионати. Швециядан олиб кўрсатилади. Волейбол бўйича СССР биринчилиги. «Радиотехник» (Рига) — СКА (Ростов). Эркаклар. 20.00 Бадиий фильм. 21.30 И. Штраус асарларидан концерт.

Учинчи программа. 19.00 дан Тошкент кўрсатади.

21 ФЕВРАЛЬ Пайшанба

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 12.00 Кўрсатувлар программаси. 12.05 Рангли телевидение. Эрталабки гимнастика машғулотлари. 12.20 Янгиликлар. 12.30 «Совет характери». Телевизион очерк. 13.00 А. Корнейчук. «Қалб хотираси». Е. Вахтангов номидаги Давлат Академик театрининг фильм-спектакли. 15.10 Москва кундузги кўрсатувларининг охири. 16.25 Кўрсатувлар программаси. 16.30 «Мусобақа, меҳнат ва байрам». Ҳужжатли фильм. 16.45 Шахмат мактаби. 17.15 Рангли телевидение. Ўқувчилар учун. «Гайлар олдинги сафда бормоқда». 18.00 Янгиликлар **Тошкент кўрсатади.** 18.10 Кўрсатувлар программаси. **Ўзбек тилида:** 18.15 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Истиқбол эгалари». Телевизион журнал. 18.45 СССР халқлари адабиёти. Д. Гулиянинг ижодий портрети. **Рус тилида:** 19.35 «Ахборот» информацион программаси. 19.50 «Партком ва социалистик мусобақа». 20.20 Ўн минут музика. **Москва кўрсатади.** 20.30 Миллионлар деннича университети. «Халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати ҳозирги босқичда». **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.15 Чорвадорлар учун кўрсатув ва концерт. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Рангли телевидение. Хоккей бўйича СССР чемпионати. **ЦСКА—«Крылья Советов».** В. И. Ленин номли Марказий стадион спорт саройидан олиб кўрсатилади.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Рус тилида: 11.30 «Социалистик қонунчилик ва граждандар ҳуқуқини муҳофаза қилиш». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Едгорликлар сўзлайди». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.25 «Социалистик қонунчилик ва граждандар ҳуқуқини муҳофаза қилиш». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 18.10 «Бизнинг кўча». Калинин проспекти. 19.10 Болалар учун кўрсатув. 19.25 Рангли телевидение. Спорт программаси: Чанги спорти бўйича жаҳон чемпионати. Швециядан олиб кўрсатилади. Тўпли хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Зорький» (Красногорск). «Спортлото» тиражи. **Тошкент кўрсатади.** 20.30 «Ҳаракат хавфсизлиги учун» (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 21.00 Концерт залида. СССР халқ артисти Ю. Гуляев куйлайди.

Учинчи программа. 19.00 дан Тошкент кўрсатади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ.
20 ФЕВРАЛЬ, 1974 й.
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ГОРКОМА КП УЗБЕКИСТАНА И ТАШГОРСОВЕТА
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, ДЗЕРЖИНСКИЙ КЎЧАСИ, 15-УЙ.
Р — 03243. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр А — 3014.
ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор—33.02.49 дан 33.02.58 гача, Эълонлар бўлими—33-81-42.